



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIY, MA'NAViy-MA'RIFIY, IJTIMOiy GAZETA

№ 38 (4593) 2020-yil 1-oktabr

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКISTONНИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Кадри муаллимлар! Муҳтарам устозлар! Бугун сиз, азизлар билан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини – умумхалқ байрами арафасида учрашиб турганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, жойлардаги студияларда ўтирган фидоий устозларимизни, “ойнан жаҳон” орқали бугунги тантанали маросимни кўриб турган барча юртдошларимни ушбу кутлуг айём билан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг бекиёс хиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шундай қувончли кунда барча шоғирларингиз, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эҳтиромимиз, эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Улуг шoirимиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзларнинг нури, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини синдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар эғиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча тахсинлар айтсак, арзийди.

Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, кадрли тарбиячиларга, барча жонқуяр зиёлиларимизга йўлдан мувожаат сифатида қабул қилишингизни истардим.

Азиз дўстлар! Хабарингиз бор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқимда мен бошқа кўпгина муҳим масалалар каторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жилхон ҳамжамиятининг эътиборини қаратдим.

Ёшлар ҳақида деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамisha устувор вазифа ҳисобланади.

Бугун дунё давлатлари катори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Бугунги қийин шароитга қарамадан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу борадаги ишларнинг изчил давом эттирилиши. Жумладан, қисқа муддат ичда юртимизда “онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди.

НУҚТАИ НАЗАР

ТЕАТР – ҲАЁТ, ҲАЁТ – ТЕАТР

Мамлакатимиз театрларида кечаётган бугунги ижодий жараёнлар, мавжуд ютуғу муаммолар бирор-бир зиёлини бефарқ қолдирмаслиги табиий. Атоқли режиссер, Ўзбекистон санъат арбоби Олимжон САЛИМОВ билан суҳбатимиз театр санъатимизнинг бугунги ҳолати, умуман, саҳна санъатининг ижтимоий вазифалари ва соҳада ечимини қутаётган муҳим масалалар ҳусусида кечди.



— Ўтган аср тонгида жамиятни ислох қилиш тарафдорига тушган жадид боболаримиз театрни муҳим минбарга айлантирган эдилар. Бир асрдан зиёд вақт мобайнида ўзбек театри катта тарихий йўлни босиб ўтди, истиқлол даврида анъаналарини давом эттирди. Хўш, миллий театримиз халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига қай даражада жавоб бераётми?

— Жадид боболаримиздан Махмудхўжа Бехбудий театрни “ибратхона” деганида, Абдулхамид Чўлпон: “Театр деган нарса санойи нафиса(санъат)-

нинг энг олий қисми. Улсиз бир миллатни бор деб бўлмас. Маданий миллатларнинг ўсиш даражасини билмак учун тарозуга солинганда тарозунинг ўртасида ярқаб турадургон санойи нафиса ва унинг бир қисми бўлган театр”, деб таъриф берганида, улар театرنинг бениҳоят юксак санъат, миллатнинг маънавий обрўси, уни бошқа миллатлар олдидаги нуфузини белгилловчи восита эканини эътироф этишган. Шунингдек, инсонларнинг асл ҳолати, камчиликларини намойён этувчи “кўзгу” эканини ҳам таъкидлашган.



Устоз отангдек улуг, дейди доно халқимиз. 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоаси ёши улуг устоз ижодкорлар ҳолидан хабар олди.

УСТОЗ ИЖОДКОРЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Уюшма ходимлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – Иброҳим Гафуров, Умарали Норматов, Қалдибек Сейданов, Ҳомиджон Ҳомидий, Омон Магжон, Меҳмонкул Исломуқов, Борис Пак, Яйра Саъдуллаева, Олмас Ахмедова, Зухра Ўлмасхўжаева, Низом Комил, Мухаммад Али хонадонларига бўлиб, улар билан самимий, дилдан суҳбат қуришди.

— Ўлмас Умарбековнинг умр йўлдоши Зухра Умарбекова табарруқ 86 ёшда бўлсалар ҳам, бизни ўзларини тетик тутиб қаршиладилар ва дуо қилдилар. — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул ходими Маъмура Зоҳидова. — Биз табарруқ одамлар изи тушган ҳовлида бўлиб, ёзувчининг хотираларидан сўзлаб кўзларига ёш олган мунис онахоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлдик. Байрам билан кутладик. “Фотима ва Зухра”, “Одам бўлиш қийин”, “Қиёмат қарз” асарлари шу ҳовлида яралган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, устоз ёзувчи, шоир, адабиётшунослар ҳамisha Ёзувчилар уюшмаси эъзоз ва ардоғидадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз тарихининг гоёят мураккаб даврида – XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган бекиёс хиссанини инобатга олиб, қуйидагилар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Абдулла Авлоний (мархум) – маърифатпарвар адиб, педагог; жамоат арбоби Махмудхўжа Бехбудий (мархум) – Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири, адиб, педагог ва олим

Мунаввар қори Абдурашидхонов (мархум) – атоқли маърифатпарвар мураббий, адиб, муҳаррир ва жамоат арбоби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Биз барча мукофотланганларни самимий табриқлаймиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКISTON OSTONASI MAKTABDAN BOSHLANADI

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Байрам тадбирида ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, парламент ва ҳукумат вакиллари иштирок этиди. Шунингдек, ҳудудлардаги соҳа фидоилари маросимни Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги студиялардан кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, устозларни ушбу айём билан кутлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди. Бу – таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг яққол далили. — Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг бекиёс хиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.



71500 ТА КИТОБ ТАРҚАТИЛДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олий ва ўрта махсус таълим муассасалари кутубхоналарига китоблар совға қилиш ишларида ташаббускор бўлмоқда. Шу кунга қадар “Адиб ва жамият”, “Адабий дўстлик — абадий дўстлик”, “Сўз чамани”, “Биринчи китобим” ҳамда “Сайланма” каби лойиҳалари доирасида чоп этилган китоблардан вазирлик тизимидаги кутубхоналарга 76 номда 30 мингдан ортиси бегараз тарқатилди.



Яқинда 80 номдаги 71 500 та китоб “Китоблар карвони”дан жой олиб, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги таълим муассасаларига етиб борди. Бу китоблар мактаб ўқувчиларининг синфдан ташқари мутлола дарсларида фойдаланишлари учун қулай. Бундай туркумдаги китоблар рўйхатидан, асосан, мумтоз адабиётимиз вакилларининг асарлари жой олган.

— Ҳозирги кунда пандемия шароитида ўтилаётган онлайн дарсларимизда талабаларга бу асарлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб борамиз. Ўқилган асарлари юзасидан иншолар танлови, китобхонлик танловларини ўтказамиз. Ёзувчилар уюшмасининг олиб бораётган бу хайрли ишлари ўз натижасини кўрсатади. Биз китобхонликка астойдил бел боғлаганимиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Маънавият ва маърифат маркази директори Мирзохид Ботиров.



ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Кошӣи, Али Қўшчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саққокий, Хофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Махмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Бехзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва мейморларнинг шухрати дунёга ёйилди.

Доншманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илгор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аждодаларимиз бундай юксак қўқиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини банд қўйиб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини баъшариёт яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиши ва бойитишига бағишлаганлар.

Тан оlish керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос қандам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортик ноҳир кўлэмаларга дунё ахли ҳавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аждодаларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳаммизга бунимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғуртишимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Шу муносабат билан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Мусулмонлар идораси, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашруга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрсин. Бу масалга Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев масъул этиб белгиладнади.

Яна бир масалга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: минг афсуски, ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё эраминда ички уруш ва низолаб, ҳокимият учун кураш авж олди. Айирмачилик ва маҳаллийчилик кучайди, маърифат ўрнига жаҳолат илдиз отди. Натижада бир пайтлар гуллаб-яшнаган ўлкамизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инкироз юзага келди. Илм-фан ва тафаккур машъали сўна бошладди. Юртимизнинг ўн тўққизинчи асрга келиб қарамликка тушиб қолганида айни шундай салбий ҳолатлар асосий сабаб бўлгани ҳаммамизга яхши аён.

Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳаммизга катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансин йиғирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойий ва жонқур зотлар бугун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қоқоқликдан олиб чиқиб, миллатимизни ғафлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларнинг азиз қонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар “Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқор Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрагим домла, Абдулҳамид Қўлонов, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуг инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинчи сафарида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдинга қўйган эзу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жохил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукмати, кейинчилик совет ҳукумати уларни аҳвусиз қувгин ва қатагон қилди. Шу тариха миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эъл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадний мероси биз учун бугун ҳам бекиёс аҳамиятга эга.

Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу йил таваллуднинг 145 йиллиги нишонланаётган улуг маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий ўз вақтида биз учун икки эмас, тўрт тилини билш зарур, деб бунор урган эди. Бехбудий бобомизнинг ушбу даъвати ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди.

Қадрли муаллимлар, мен бугун Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни муқофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Ана шундай юртдошларимиз орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидоқорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқор Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганини сизларга ва бугун элимизга мамнуният билан айтмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, жадидлар меросини янада чуқур ўрганиши ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Хурматли дўстлар! “Оққан дарё — оқаверади”, дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодаларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Бу фикрларга бир мисол келтирмоқчиман. Биласизлар, Қорақўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қилган фидойи муаллим Тўхтамурад Жумаев номини ҳам барчамиз яхши биламиз. Бу ажойиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган бўлиб, замонавий шартотта, қудай имкониятларга ҳам эга эмас эди.

Бугун ушбу мактаб битирувчиларнинг 95 фоиздан ортиги олий ўқув юртларига ўқишга қирапти. Халқаро олимпиадалардан энг кўп медал олиб келаётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қорақўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга берапти.

Биз бу таълим маскани эришяётган катта ютуқларни инобатга олиб, ўтган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик. Тўхтамурад домла ҳам, жадид боболаримиз каби, тинимсиз ва фидоқорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратишга эришди.

Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, давримизнинг Авлонийси, Бехбудий домласи, Мунавварқориси!

Бундай улкан натижага эришиш учун албатта ўзинга хос ўқитиш тизим бўлиши керак. Айни вақтда бундай ютуқлар замирида инсоннинг ўз касбига, Ватанига меҳри ва садокати, юксак маъсулият туйғуси мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу мактабда Тўхтамурад ака бошчилигида ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз бола-сидаи кўрган, бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шаклланган ва бу ишлар бугун ўзининг муносиб натижасини бермоқда.

Моҳир педагог Тўхтамурад Жумаев таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари ва ибратли фаолияти учун Президент Фармонида асосан давлатимизнинг юксак муқофоти — “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамурад акани ва муқофотга сазовор бўлган барча ўқитувчи ва мураббийларимизни ўз номидан, халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Хурматли йилгилиш иштирокчилари, шу ўринда савол туғилади: Қорақўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирлиги унинг ноёб тажрибасини етарлича оммалаштирмапти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим даргоҳидан ибрат олмапти? Халқ таълими вазирини Ш. Шерматов нега уч йилдан буён бу жиддий масалга етарлича эътибор берапти?

Афсуски, ҳаммамиз “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деб, бепарво бўлиб юрибмиз.

Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?

Ваҳоланки, бугунги кунда бизга мана шундай юзлаб мактаблар, ўз қабилнинг чинакам устаси ва фидойиси бўлган минглаб мураббийлар сув билан ҳаводай зарур.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир туманда қамидга биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарур.

Президентнинг ҳар бир ҳудуддаги вакиллари, ҳар бир вилоят ва туманинг етакчилари — бу ҳокимлар. Маълум академиясининг бешинги, Мухаммад Хоразмий юрти бўлган Хоразм, Мирзо Улуғбек қамолга етган Самарқанд, дунёга Бобур Мирзонини берган Андижон, Аҳмад Фарғоний ватани бўлган Фарғона вилоятларининг ҳокимлари бугун ва оқсоқлик ва бепарволик тўғрисида нима дейдилар?

Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиши учун сизларга олти ой муқдат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, бешам мумкин, лекин уларни замонавий маъно-мазмун, илм-маърифат, тарбия билан тўлдириш қўлимиздан келадими? Бу долзарб масала устида ҳокимлар билан Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар ва идоралар раҳбарлари биргаликда жиддий ишлашлари талаб этилади.

Азиз дўстлар! Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабга ҳақ таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими

ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлгуси Ренессанснинг тўрт узвий халқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устун, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонаман — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусин албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи халқаси, бешинчи устун бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар.

Хурматли анжаман иштирокчилари! Барчангиз хабардорсиз, бугун юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган муҳим соҳалари, яъни мактабга ҳақ таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича бекиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин сир эмас, мактабга ҳақ таълим соҳаси бу борадаги ислохотлардан яқин вақтгача четда қолиб келди.

Аслида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабга ҳақ таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдди. Айнан мактабга ҳақ таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Шуларни назарда тутиб, биз юртимизда илк бор Мактабга ҳақ таълим вазирлигини ташкил этдик.

Бугун йилриқ шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикамизда боғчалар сони 3 баробар ошди (5 минг 200 тадан 14 минг 200 тага), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етгани ана шундай амалий ҳаракатларимиз натижасидир.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортик ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча атайлик қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзлик кредит маблағлари йўналтирилди, 20 мингта яқин янги иш ўрни яратилди.

Кўриниб турибдики, дастлабки натижалар ёмон эмас. Бироқ ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина.

Соҳада давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабга ҳақ таълим қамровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун қадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб берамайди. Қолаверса, мактабга ҳақ таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муқдатда мактабга ҳақ таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазифалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Мухтарам дўстлар!

Халқимиз ҳаммизга устозларни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. “Устоз ота қайи улуг” деган ҳикматли нақд ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни гоғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг қадр-қимматини жойига қўйдиган пайт келди.

Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммамиз яхши тушуниб турибсиз, албатта. Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчинга эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ҳодимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига муғлақ алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз олди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг “ҳўжайин” кўпайиб кетди. Бундай ноқўра ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ҳодимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбинини ношжор ташлаб кетгани ҳам биламиз.

Мана, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йилғим-терими, чопик ва янганга чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсин буй беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқув дастурининг қарийб 3 минг соати — 30 фоиз далада мажбурий меҳнатда ўтди, дегани эмасми? Бошқача айтганда, бола 11 йил ўрнига атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамма соҳани ўз эгасига, жумладан, қишлоқ ҳўжайинини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз туфайли бунга эришмоқдамиз.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат муқофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб борапти. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин қамайтирилди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт йил олдин бундай ўзгаришларни тасаввур қилиб бўлармиди? Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шунга таъкидлаш керакки, ҳали бу борада қўзланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда.

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга аввало, талабчан ва меҳри-

бон синф раҳбаримиз келди. Нима учун? Чунки, мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлган. Ҳаётга илк йўлангани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

Шу сабабли биз синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўраймиз. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилди. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Ўрни келганда айтмоқчиманки, мен бугун имзолаган Фармон билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш керак.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва гурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бугун жамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бугун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Хурматли йилгилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини йўлаб, ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва макенин ошириш мақсадида уларнинг макomini қонун даражасида белгилашни тақлиф қиламан. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари қаролатилиши керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг макomini аниқ белгиланиши лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилиши зарур. Амалда бу масала ўта мураккаб-лиги ва ортикча қоғозбозлик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда ақсарият эскирган қонуности ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, беқор қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятига қонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.

Қонунда, шунингдек, мактаб директорига қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда ҳисобот бериш тартибини белгилаш зарур.

Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак. Энди мактаб директори йил якуни бўйича дастур ижроси ҳақида маҳаллий кенгашда ҳисобот беради ва унинг фаолиятига халқ вакиллари томонидан очик-ойдин баҳо бериб борилади. Мактаб директорида интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш масалалари ҳам маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Парламентимиз аъзоларидан маҳаллий кенгашларнинг мактаблар билан ишлаш тизимини алоҳида назоратга олиб, ушбу жараёнларга яқиндан қўям беришларини сўрайман. Олий Мажлис палаталари (Т.Норбоева, Н.Исмоилов) икки ой муқдатда умумтаълим мактаблари билан ишлашнинг янада қучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўрғазма қуроллари билан тўлиқ таъминлаш лозим.

Афсуски, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмапти. Уларнинг фаолияти асосан ҳўжайлик ишлаш назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўллашдан иборат бўлиб, таълим сифати билан шуғулланиш иккинчи даражали масалга айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг макomini ошириш даврининг ўзи талаб қиломоқда. Бундан буён туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳокимнинг маориф бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради ва бевосита ҳокимлик биросида ўтиради. Шунга мос равишда уларга зарур ваколатлар берилади.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда алоҳида жағмарга ташкил этсак, нима дейсизлар?

Жағмарга маблағлари илгор ва намунали мактаб раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлимлари методистларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муқдатда ушбу жағмарни ташкил этиш ва унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрласин.

Қадрли дўстлар! Кейинги вақтда мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланиб, соҳа ривожига янги давр бошланганидан хабардорсиз. Ана шу ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги икки йилда 556 миллиард сўм маблағ ҳисобидан

77 та янги мактаб қурилди. 1 минг 930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтгача мавжуд бўлган қишлоқ мактабларидаги “Қўлбола печка”лар ҳам тў

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Давоми, бошланиши 1-, 2-саҳифаларда

Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати кониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари асосан ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларини тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли Республика таълим маркази фаолияти замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши керак. Ушбу марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев томонидан шахсан мувофиқлаштирилиши ва назоратга олиниши зарур.

Бошлангич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослашган синфларда ўқитишни давом эттириш тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси навбатдаги ўқув йилидан бошлаб 4-синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиши керак.

Хозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамisha эътиборимиз марказида туриши зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари ўз ҳудудидаги педагог кадрлар тайёрлайдиган университет ва институтлар билан жиддий ишлаши керак. Ушбу олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчиларига ипотека ва истеъмоладан кредитлари ажратиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволашнинг ташкил этиш масалалари шахсан ҳудуд раҳбарининг назоратида туриши лозим. Чунки, эътибор қараганда бўлсақ, жойлардаги ҳамма мутахассиснинг – фермер ёки инженерни оласизми, бошқа касб вақилларини оласизми, ҳаммасига эътибор ва ғамхўрлик қиладиган ташкилотлар бор. Фақат ўқитувчининг, ўқитувчи тайёрлайдиган институтларнинг, таъбир жоиз бўлса, жойларда “эгаси” йўқ.

Тажор айтман, энди бу масала билан шахсан ҳокимлар шугулланади.

Бугунги тез ўзгараётган замонда, барча соҳаларда ҳодимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш ҳал қилувчи масалага айланган бир пайтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бу талаблардан орқада қолмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бор. Минг афсуски, бу институтнинг исми жисмига мос эмас. Улуг маърифатпарвар илгари сурган ва муваффақиятли амалга оширган гоғоялар, замонавий таълим методикасини ишлаб чиқиш масалалари институт фаолиятида ўзининг амалий инфодасини топа олмаётганини айтишга мажбурмиз.

Шу муносабат билан мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги институт фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш талаб этилади.

Мазкур таълим даргоҳи ҳудудлардаги университетлар ва педагогика институтлари билан биргаликда туман халқ таълими бўлими мудирилари ва мактаб директорларининг малакасини ошириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини яратиш,

масофавий таълим бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Соҳада рақобатни таъминлаш мақсадида нодавлат таълим ташкилотларини ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига жалб қилиш вақти келди. Бу жараёнда ўқитиш харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ йўналтирилади.

Ўрнак кўрсатган ўқитувчилар учун мажбурий малака ошириш талабларини бекор қилиш, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилари олган билим даражаси билан баҳолашни назарда тутиш лозим. Ўқувчилари халқро фан олимпиадаларида голиб бўлган педагогларга олий малака тоифаси тўғридан-тўғри тақдим этилиши керак.

Эндиликда халқ таълими ҳодимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тизим жорий этилади. Яъни, ўқитувчилар бевосита малака ошириш марказларига бормасдан, масофадан туриб ўз касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, таълим сифатини оширишга кўмаклашадиган ва ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишига амалий ёрдам кўрсатадиган устоз-шогирд тизими ташкил қилинади ва уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади.

Мактабларда информатика, кимё, хорижий тиллар каби фанлар бўйича ўқитувчилар етиш-мувочилигини бартафат этиш мақсадида педагогик бўлмаган йўналишлар бўйича олий таълим олаётган ёшлар учун қисқа муддатли педагогик курслар ташкил қилинади.

Муаллим ва ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш ҳақида гапирганда, бугун жамиятимизда долзарб бўлиб турган яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.

Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обун” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳола қелдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мактабдангина бўлибди.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммага айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси бир олий муддатда босма матбуот нашрлари фаолиятини кўйлаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдирish чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага қикариш, бўш вақтини мазмуни ташкил этишга қаратилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам ижобий ишлар олиб боришмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатларни давом эттириш, айниқса, мусика ва санъат, ахборот технологиялари ва спорт тўғариқлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш алоҳида диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий гоғоя ва мафкуравий имунитетини қучайтириш, ёшларимизни турли зарарли гоғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган “Туркий “Гулистон” ёҳуд ахлоқ” асари шарқона турбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз “Тарбия” фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Ҳабарингиз бор, бир йил олдин ўтказилган селектор йиғилишида халқ таълимини ривож-

лантиришни умуммиллий мақсад, умумхалқ ҳаракати сифатида белгилаб олган эдик. Ушбу ҳаракат доирасида барча поғонадаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари мактабларни оталикка олган эди. Шундан сўнг ҳокимларимиз “урра-уррачиллик” билан бир муддат мактабга киргандек бўлди, буни “ойна жaxon”да намойиш ҳам қилди. Лекин шу билан тамом – мактаб эсимиздан чиқди.

Такрор айтман, бугун мактабга кирмаган, мактабнинг, ёш авлоднинг дарду ташвишлари билан яшамган раҳбарни эртага ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди.

Хозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам инстиутуционал ислохотлар олиб боришмоқда. Энди ҳокимлар иш вақтининг фақат 10-15 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасига сарфлайдиган шароит вужудга келмоқда. Қолган вақтда улар ижтимоий масалалар, аввало, таълим-тарбия, маънавият билан бевосита шугулланишлари лозим.

Мана, ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳамма фермерларни номма-ном билади. Лекин мактаб директорларини, илгор синф раҳбарларини, фаол ўқитувчиларини-чи? Бугун бу борада қайси ҳокимни ибрат, намуна қилиб кўрсата оламиз? Афсуски, жавоб йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунни албатта мактабга бағишлаши керак.

Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашини лозим. Мактаб – фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешингга, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида янги шаклдаги муассасалар тармоғи йўлга қўйилаётганидан барчангиз хабардорсиз. Жумладан, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси – касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар яқин кунларда ўз фаолиятини бошлайдди. Уларда 200 мингдан ортик ўқувчилар бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида таълим олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Ҳудудларнинг раҳбарлари эса битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳақида бош қотириши зарур.

Қадрли юртдошлар! Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ислохотларни амалга оширяпмиз. Янги-янги олий ўқув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шаклларини қайта тикладик, қабул квоталарни оширишмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фойздан 2020 йилда 25 фойзга етган бўлса-да, биз бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва стажировка ўтатиши таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш хақи микдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Айни пайтда олий таълим соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш учун қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Аввало, соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, айниқса, ҳудудларда нодавлат олий ўқув юртларини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ташкил этилгати. Лекин, нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмапти?

Ақсарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётгани-

ни ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар улushi ўртача 37 фоиз экани бизни қониқтирмайди. Ҳудудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам хали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жандид ҳулоса қилишимиз керак.

Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак. Ушбу муассасаларда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар қўламини 3 баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини 4 марта кўпайтириш зарур.

Бугун “рақамли иктисодиёт” деган тушунча дунёда энг долзарб масалага айланганини барчамиз кўриб турибмиз. Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иктисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Барчамиз бу масалани чуқур англаган ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиддий ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ишга бугун қиришмасак, эртага кеч бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиши зарур.

Муҳтарам дўстлар! Ёдингизда бўлса, давлат раҳбари сифатидаги менинг биринчи учрашувим 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз академиклари билан бўлиб ўтган эди. Бу пайтда Фанлар академияси муаммолар гирдобига ботиб қолган, унга охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Оқибатда ўтган давр мобайнида академикларнинг сони 2 баробар қисқариб, 63 нафар академик қолган эди, ҳолос.

Биз академияни, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан қуқариб, соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш учун зарур амалий чораларни кўрдик. 32 нафар янги академик сайланди. Фанлар академиясининг фаолиятини давлат бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Жумладан, 40 та илмий лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мақсадлар учун биргина Фанлар академиясининг институтларига қарийб 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Биз жамиятимизда илм-фаннинг қадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўлида жиддий ҳаракат қилишимиз. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, ўша учрашувда билдирилган ақсарият вазифа ва топшириқлар бугун ҳам долзарб бўлиб, уларни тўлақонли амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир олий муддатда Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

Шахсан мен жонқуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, илм-фанини тараккиётимизнинг драйверига айлантириб, мамлакат ривожига хизмат қиладиган муҳим қашфиётлар яратишларига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқарashi, фикри ўзгармас, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараккиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домлалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги гоғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга кодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги тўғайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки,

булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, ҳолос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё микёсидаги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ҳодимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: **азиз дўстлар, бирдорлар, агар иштиқас, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баяндан мазрарни эгаллаш қўлимиздан қалади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” халқимиз. Илм-фанга иштиқас бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.**

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Биз Худо берган истеъдодга парварши зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар қандай иктидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Мана, Темурийлар даврини эслайлик, Газнавийлар, Хоразмшоҳлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомилийк бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуг алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёрқин намоеён бўлмас эди.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса – яратамиз.

Бизни одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янглишади. Худо хоҳлса, қоронавирус пандемияси ҳам эртами-кечми, албатта тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуг аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, донмо эзгу орзу-нигиллишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен ил ёши бошлада Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: **“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”.**

Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдевор қўётган янги Ўйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзинимдан муносиб мерос қолдиришга хизмат қиладди.

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб филиалларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуг ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Азиз муаллимлар, муҳтарам домлалар!

Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суюнч, деб биламан. Сизларнинг хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўйлаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзининг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Сизларни қутлуг байрамнингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту содаат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, ҳонадонларингизга файзу барака тилайман.

Донмо фарзандларингиз, шогирдларингиз, элу юртимиз ҳурмати ва ардоғида бўлиш бахти насиб этсин, азиз устозлар!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўқитувчилик шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли ва мураккаб касб. Юртимизда мазкур касб эгаларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасидаги сазй-ҳаракатлар педагоглардан ўз ишига янада садоқат ва фидойилик билан ёндашишни, кенг ва замонавий тафаккур соҳиб бўлишни талаб этмоқда. Мактабгача таълим ҳамда олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилган ишларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам, инсон тарбиясида, қамолотида устозларнинг хизматлари улуг. Бу йилги пандемия билан боғлиқ қийин шароитда ҳам жонқуяр ўқитувчилар ўз ишини давом эттирмоқда. Ақсарият мактабларда янги ўқув йили бошланди. “Онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим йўлга қўйилди. Таъбир жоиз бўлса, бугун ўқитувчилар иккита фронтда кураш олиб бормоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Президент тарихга назар солиб, IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади.

– Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансин XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар, – дея таъкидлади Президент.

Нодир ЖОНУЗОҚ

РУХИМДА ҒАРҚ ПИШАН МЕВАЛАРИМ БОР



ЎЗБЕКISTON КУЗИ

Сарин нафас билан кириб келди куз, Куйган кўнгилларга босгандай малхам. Иситма – ситамдан қутулди кундуз, Симобай суюлди қумуш кеча ҳам.

Юкли келинчакдай оғироек боғ Махрам, доя дастга сарватин тутар. Полилар кўчага очганча кучоқ, Савдоли совчидан муждалар қутар.

Мевасиз дарахтлар – толми ё терак – Эрта сўлиш олиб, саргайиб-сўлар. Қалбида занг-зардоб силкиса керак.

Камон ўки каби учган турналар Нишонга олурлар иссиқ ўлкани, Туллаган товукнинг бағри тирналар – Бошида сезаркан куюк кўлкани.

Бир ёнга йигади тилла болини Ўргимчакни қувган асалари ҳам. Хилватда ўйлайди калтис холини

Қари тут остига осилган қозон Ўзбекнинг совимас қалбидай қайноқ. Эгатлар ичида қуймаланган жон

Даштларда уйгонган девона куюн Бўй чўзиб, булдулар тўдасин қувар. Ёмғир қуйлаганча қирқуяқ қуйин,

Чанг-тўзон кўтариб қайтади пода, Сигирлар эриниб босар тугейн. Отини салт қўйиб, келар пиеда

Довон ошиб келган музаффар сурув Қишлокка тараттай андиз хидини, Барака ташиган қўю қўзи бу,

Кеча чатнаб турган оловдил тошлар Сўнган кўмир каби шикаста, синик, Бўзбола хислари сингари тошган

Ёмғирда ивиган дароз шахар ҳам Қўлмакда томоша қилгай аксини. Сержилло чироклар ёдду сочган дам

Кўзларин ишқалаб уйгонган бола Такрор титар янги дафтлар-қаламин. Мактабга боради бу йил илк бора –

Қуввати камайган нуруний чолдай Хар кун сал эртароқ ёнбошлар қуёш. Шом иниб, оила оғуши чорлар,

Баҳайбат гавдасин ташлар салқин тун, “Ух” тортиб юборар кимсасиз сўри.

Қасамин унутиб, пуркайди тутун Етти ой чидаган кашанда мўри. Бағрини зич ёпиб олар дераза –

Ўзимча қуздан сўз очдим, ажиб хол, Қилмоқчи бўлдимми сийратин тасвир?! Холбуки, менгача не-не шоир лол

ҚИСМАТ ТАҚВИМИ

Август шашти бу йил эртароқ сўнди, Сентябрь сув пурқаб босди тафтини –

Ерни бўйсундирди Қуз салтанати, Сарғиш ёрликларин юборди хар ён:

Борлик қойил қолиб Кузининг қурбига, Хирмонига тўқди бору будини –

Аммо муваққатдир буларнинг бари, Пистирмада пойлаб ётар Декабрь –

Сўнг уч ой Қиш қилич қайрар, пайдар-пай Совуқ фармонларин ёдирди қўқдан.

Шундоқ чарх уради бу кўҳна даввор, Шундай давом этар давр мароми.

Хар мавсум ўзича қилса-да таъбир, Ташрифи шитоб ё кўринса-да суст –

Биз эса дорбозмиз, лангарчўи қўлда, Қисмат – замон тиғи узра югурмак.

БОҒ

Қузга хозирланиб келди хар дарахт – Шигил мевалари турар осилиб.

Зафарли йўлларда қозонган сархил, Рангин бисотини қўз-қўз қилган чоғ –

Жангу жадал кечиб келдилар бунга, Заҳмат ила сураб залворли кўчин:

Кўнгли бўш мевалар қолди тўкилиб Қисматнинг қоп-қора қуноқларида.

Лекин хозир байрам, қутлуг тантана! Музаффар руҳини қилгай намойиш.

Муборак қаторда турибман мен ҳам, Рухимда ғарқ пишган меваларим бор.

Собит дарахт каби келдим йигиниб, Хар қандай сўрокка турибман-ку шай.

Мадад бер, Боғбоним, эй олий пешво, Саодат нафаси сизмас ўпкамга:

Рахшона АХМЕДОВА



Аёл ётган бинодан чиққан ҳамшира киз рўпарадаги бинога шошаркан, ўйлим-чуқур ерда туртиниб кетди. Шу пайт бинодан ҳамкасби чиқиб келарди.

Аёл ётган хона бинонинг иккинчи қаватида эди. У суҳбатни чала-ярим эшитар, бу оз бўлса-да, дардлар кийноғини унуттиргандай бўлиб қалғиди.

Аёлни бу ерга олиб келишганида ахволи жуда ёмон, оғрик зўридан фақат инграрди, холос.

Шифокор хошилинч бир нечта дорилар ёзиб берди, муолажа бошланди, оғриклар бироз кечинди, бироқ бутунлай қолганича йўқ.

Суҳбат давом этарди.

– Ҳа, нимасини айтасан, Нози. Эрта-индин «мактаббозор» бошланди, ойликни тезроқ беришса яхши эди.

Аёл болалар ҳақида ўйлади.

– Болали аёл учун ҳаёт қизиқ бўлса керак, – деди пичирлаб. – Болалар бўлса, қандай яхши...

чагина, қотмадан келган шифокор аёл куйинганча, “Бошқа ҳомилдор бўлолмаслигини мумкин, тушунапсизми?”, деб хар қанча қароридан қайтаришга уринмасин, аёл рад этган, сўзида қатъий туриб олганди.

– Керак эмас, олиб ташланг... – Одамлар болам бўлсин, деб йиллаб даволанади, тирноқка зорлар қанча...

– Шифокор хар нима демасин, қароридан қайтмаган:

– Тушунмайсиз, у истамайди? – Сиз-чи? – Мен ҳам хохламайман.

Суҳбат мавзуси энди бошлиқ масаласига кўчди ва овозлар бирдан пастлади. Шу кунларда беморлар орасида шифохона бош шифокори Ҳасанов ҳақида турли миш-мишлар айланиб юарди.

Ҳасанов деганларининг ўзи ҳам аёлларга суюғи йўқ, хушомадни жойинга қўяр, ўта “хушмуомала”лигидан унинг эрталабки кўрик пайти тушликка қадар давом этарди.

Аёл дераза олдида зерикди, қолаверса, икки ҳамширанинг суҳбати энди тузуқ-куруқ эшитилмай қолди.

Шу пайт қутилмаганда эшик очилди бир кучоқ гулдаста кўтарган йигит кўриниш берди.

– Ассалому алайкум. Узр. Сизга бериб юборишди, – деди ва гулдастани бир бўлак қаттиқ нон ётган стол устига қўйиб индамай чиқиб кетди.

Аёл кўзларига шпонмади. Қувончдан порлаган бу нигоҳлар гоҳ гулларга, гоҳ эшикка боқар, аллақандай ажиб хислар чулғаб олганди.

Торт билан бир кучоқ қип-қизил атиргул. Ҳамкасблари стол атрофида бирга ўтириб, торт ейишганди.

Кейин ярамай қолди, оғрик жонидан ўтди. Букчайиб олганча, ўзига келолмай узоқ ётарди. Сўнг ишдан бўшаб кетингга мажбур бўлди.

Аёл энди қароватда оёқларини пастга осилтириб олган қўйи ўтирар, гулдастага қараб ўй сурарди.

ЛАҲЗАЛИК БАХТ

эсдан чиқа бошлади. “Эҳтимол, бош шифокор юборганмикан?” Ҳаёлидан яшин тезлигида ўтган бу тахмин ҳақиқатга яқин келарди.

“Бироқ ундай десанг, гул бергиси келган одам бирор баҳона топиб, ўзи олиб келарди-да, кимдандир бериб юбормай...”

Бир-бирдан чиройи очилиб, қувнаб турган, дуркун бу гуллар аёл қалбига чексиз завқ-шавқ улашди.

“Балки, у юборгандир...”, аёл ўйлана болади.

ҲИКОЯ

Унинг бемаҳал келишлари жонига тек-кач, ўзини ёш боладек, алданиб юрган каби хис қилганди. Эринг бору бироқ борлигини билмайсан ёки йўқ деёлмайсан.

Бошқа келмасанга айтиб, эшикни юзига ёпгач, шу-шу остона ҳатлаб қадам босмади. Уни ўзи ҳайдади бироқ юрагининг бир парчасини юлиб отгандек бўлди.

Уни илк бор учратган пайтлари ўн тўққиз ё йигирмада эди. У шунчалар самимий сўзлардики, ўғай она қўлида ўсган киз учун бу олий тухфадек, Тангрининг мукофотидек туюлди.

Ҳар йўлида туртиниб, ёлғиз яшашни ўрганди. Урилиб-сурилиб ҳаёт ўнқир-чўнқирларига қўникди.

Кутилмаганда яна эшик очилиб, бо-яғи йигит кўринди.

– Кечирасиз, – деди у мўралаб. – Гулдастани олсам майлими? Адашибман.

Аёл юзидаги табассум бир зумда йўқолди. Кучоғидаги гулдастани юлиб кетган йигит ортидан хиссиз қараб қоларкан, танасида оғрик зўрайгани сезилди.

Аёл ортиқ ўзини зўрламади. Жойига келиб чўзилди, кўзларини юмди, ухлагиси келарди.

ҚУНГИЛ

МУЛКИ ИЧРА

Хажринг алами тушдино бошимга балолниг, кўргузди саросар, Доғи фироқингда ажаб қори хатолиг,

Гарчи висолинг ғамидин қилғали бедор, кўнгулини умидвор, Субҳи фароғатда қуёш нури зиёлиг,

Дарди фироқиди ажаб қикди фиғоним, ҳам қуйди забоним, Улки санам лутфида хар сўзи даволниг,

Гулшан кўринув қўзима хар ғунча очув боғ, ки роҳати андоғ, Хоби саодатлиғу кундузи сафолиг бехиштга баробар.

Ашқи селобида магар хайрини Мумтоз, эттуси сарафроз, Жаври ситамгарга хабиб айла фидолиг –

чу ажри муқаррар.

Кўнгли қўшқи гузар бўлсин санингдек ошно бирла, Хаста дилга назар бўлсин шафоат ҳам дуо бирла.

Мени гарчи этиб ошнқ, кўрурсан хажринга лойиқ, Розиман – ишқ хатар бўлсин сендан келар жафо бирла.

Тилаб васлингни йиғларман, дилу жонимни тилларман, Муждалар хушхабар бўлсин етиб розинг наво бирла.

Ажаб бўйи муаттарсан, ҳам нигоҳи мунавварсан, Офтоб ё қамар бўлсин менга ишқинг зиё бирла.

Мухаббат ҳам ибодатдир, жаннатига далолатдир, Адолат қил – самар бўлсин садокат ҳам вафо бирла.

Назми Махбубни тузгайман, умр шарҳини ёзгайман – Ҳаётим шох асар бўлсин яратгандан раво бирла.

Бу не толе бахт эрурким, дўст қўнгулда зар қадар, Онча бўлғай ким билур зар қадрини заргар қадар.

Мулқи қўнгул ичра қадри бўлмағай хошоқу хор, Дўст учун кўрмам раво бад зарраи сарсар қадар.

Гар санга имлоди ўлмас сидқи имон кўрмамиш, Айлағил ботинини тафтиш, пок тутиб гавхар қадар.

Дўсти нодонни фаҳм эт, ки тамахсур этмасун, Хурдабинлар ичра бўлсин айлалғил қўнгулни пок,

Сен расолиқ дўст тиларсан айлағил қўнгулни пок, Қолмағай зўр бирла, англа нур тилаб ахтар қадар.

Айла рўзингга хидоят, илми бисёрлар билан, Қолмағай қўлмақ билан дўст эттуси қавсар қадар.

Ваъдан Ҳақни унутма: этгасен Холиқни дўст, Айлағай ўзига Махбуб фурсати махшар қадар.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Юз йилдан зиёд тарихга эга бўлган ўзбек театри жаҳид боболари...

Қарийб 30 йиллик мустақиллик даврида ўзбек театри миллий киффасини топиш учун астойдил изланди...

Биринчидан, театр режиссёрининг театрдagi ўрни (мақоми) "совет даври"дан қолган қондалар асосида ўлчанади...

Иккинчидан, ҳозир театрларда иш бошлаган ёш режиссёрлар химояга муҳтож! Театрларнинг эски иш юритиш тизими...

раён барча театрларимизда ҳам тизимли эмас, мумтоз асарлар ўрнига репертуарлар "ҳазми енгил" томошалар билан тўлдирилаётганини кўришда таассуф уйғотади...

— Миллий театримизнинг буюк бир авлоди классик драматургияда шаклланган ва шугурлатилган кўзида...

Театр ислохотчиси, буюк Станиславский яратган "актёрнинг киффага кириш санъати" театрларимизда жуда ҳам ноёб ҳодисага айланган...

Вақти-вақти билан театрларимизда муайян саналарга, алломаю шахсларга бағишлаб фестиваллар ўтказиб турилади...

моҳиятини ҳис қилиши, уни ифода қилиш услубини топиши зарур. Биласиз, театр бир неча санъатларнинг уйғунлигидан туғилади...

Вақти-вақти билан театрларимизда муайян саналарга, алломаю шахсларга бағишлаб фестиваллар ўтказиб турилади...

дий жамоа вақти-вақти билан, албатта, бу жараҳдан баҳраманд бўлиб туриши керак...

Афсус, биз режиссёрлар доим ҳам адабий жараҳини қузатмай-миз, тан олиб айтайлик, ўқимай-миз! "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Китоб дунёси" газеталари, "Шарқ юлдузи"...

— Замонавий медиа олам — кино, эстрада, клип, концерт, турли шоу ва ҳоказолар аскар оммани ортидан эргаштираётир, бундай шароитда театрға кизиктириш мумкин...

— Ҳозир саволингизга, ёшларни кизиктираётган муаммолар...

ТЕАТР — ҲАЁТ, ҲАЁТ — ТЕАТР

қучли туртки ҳукумат томонидан мақом, рақс, бахшилик, кино санъатига берилди ва бу ўз натижаларини яққол кўрсатди.

Фикримча, бу ишни амалга ошириш учун мамлакатимизга дунёнинг энг илғор театрларини таклиф қилиб, худди халқаро "Шарқ тароналари", "Мақом анжумани" сингари "Халқаро театр фестивали"ни ўтказиш лозим.

— Сир эмас, ҳозирда режиссура театр санъатимизнинг энг муаммолу нуқталаридан бири. Ҳамон қатта авлод режиссёрларнинг тажрибасиз асқотмоқда, улардан кейин ижодий эстафетани қўлга оладиган янги авлод эса, таассуфки, майдонга чиқмапти. Ваҳоланки, театр тақдирини ҳал қиладиган шахс — режиссёр экани кўндек равшан. Сизнингча, масалага қандай ечим топиш мумкин?

— Ёш режиссёрларнинг янги авлоди майдонга чиқмапти, деган фикрингизга унчалик қўшилмайман. Сабаби, ҳозир кўпгина театрларимизда бош режиссёрлик лавозимига ёшлар тайинланган. Улар бутун вужуди билан ишга киришган, шу вақтгача бир нечта арзигулик спектакллар саҳналаштиришга ҳам улгуришди.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Жалолоддин Мангуберди", Жиззах вилоят мусикали театрининг "Айик", "Тошкентча саёҳат", Наманган вилоят мусикали театрининг "Ўлан", "Оромижоним сен ўзинг", Андижон вилоят мусикали театрининг "Юлдуз тунлар", Ўзбекистон давлат драма театрининг "Сенга интизорман" спектакллари фикримнинг ёрқин далили.

Саҳна санъатининг тақдирини, бугуни ва эртаси театр режиссёрига, унинг иқтидорини, дунёқараши, ватанпарварлиги, ижодий салоҳиятига боғлиқлигини бутун дунё билади.



ўша заҳоти "қажри қаттиқ, жамоа билан тил топишолмаган" бўлиб чиқди ва дарҳол унинг устидан юқорига "ҳат ёзишди". Мен театрларда ҳақиқий ижод билан шуғулланаётган ҳар бир режиссёр Маданият вазирлигининг химоясида бўлиши лозим, деб ҳисоблайман.

Учинчидан, режиссёрлик касбага ўқимокчи бўлган ёшларни танлаш ва уларни ўқитиш тизими ислохотга муҳтож. Кўп йиллар давомида Санъат ва маданият институтида бўлажак ҳамкасбларимизга сабоқ бердим, бу соҳадаги муаммоларга гувоҳ бўлдим. Агар биз режиссёрларни ўқитаётган бўлсак улар театрға келмаётган бўлса, демак, таълим тизимини қандайдир жиддий хатога йўл қўйганмиз. Бунинг ўз вақтида англаб, баргараф эътишимиз жуда ҳам муҳим. Ўрта мактабни тамомлаган ҳар қандай ўқувчи режиссёрлик касбини эгашлиб бўлади, бир умр мулкка бошқа ижро услубида ҳам роль ижро қилиш қобилиятлари борлигини билмай ўтиб кетадилар. Бу фожиа!

Яна бир гап. Режиссёрларнинг ойлик маошлари улар касбий мажбуриятларининг мураккаблигига нисбатан жуда паст белгиланган. Институтни битирган жуда кўп ёш режиссёрлар театрға бормай, мулкка бошқа ишлар билан шуғулланаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Ҳозирда театрини бошқараман, деб майдонга чиққан шогирдларимизни қўллаб-қувватлаш, химоя қилиш, имконият яратиш зарур вазифалардандир.

— Жаҳон классик драматургиясини саҳналаштириш театрнинг синови асосий салоҳиятини чинакам ўтказиши маълум. Ўзбекистон давлат драма театриға бош режиссёр этиб тайинланганидан сўнг даставвал италян драматурги Карло Гольдонининг "Икки бойга бир малай" комедиясини саҳнага қўйдингиз. Назаримда, бу обдон ўйланган таянч эди, айнан "Комедия дель-арте" ("ниқоблар комедияси") услубида яратилган мавжуд асар орқали театрдаги мавжуд қонилар парчаланди, актёрларнинг имкониятлари кенгайди, театр ҳаётида ижодий ўзгаришлар кузатилди. Бироқ бу жа-

ли йўналишларини амалда синашларини жуда ҳам зарур. Станиславскийнинг "кечинма театри" услуби, Франция театрида тутилган "комедия дель-арте" театри, Брехнинг "эпик театри" ва яна бир қанча замонавий театр услубларини қачон ва қандай қўллаш кераклигини актёрларимиз беш қўлдай билишлари зарур. Лекин, афсус...

Театрларда классик асарлар танлашда: "...бу асар қатнашувчиларини ижро қиладиган актёрлар йўқ", "бу асарни саҳналаштиришга қучимиз етмайди..." қабилдаги принцип мавжуд. Бу қонда ҳамма вақт ҳам тўғри эмас. Театр доимо тажриба ўтказиб туриладиган ижодий майдон. У ўз имкониятларини қарҳалб бориши, янги шакл ва ифодалар излаши, керак бўлганда, уни ихтиро қилиши ҳам лозим. Қўллаб актёрлар театрда бир хил "амплуа" — қонлига тушши оғир, бир умр мулкка бошқа ижро услубида ҳам роль ижро қилиш қобилиятлари борлигини билмай ўтиб кетадилар. Бу фожиа!

Театрлар, албатта, йилда битта классик асарни саҳналаштириши даржор. Тўғри, бунинг мажбурият бўлмайди, лекин театр бош режиссёри, бадийи кенгаши бунга жуда жиддий қароши керак.

— Барча санъатлар сингари театр ҳам замон билан ҳамнафас бўлмоғи лозимлигини кўп таъкидлаймиз. Аммо амалда бунга эришиш қийин. Табиий савол туғилади: замонамизнинг муҳим масалалари театрда акс этмаётганини даврнинг шиддаткорлиги билан ҳаспўшлаш қанчалик тўғри?

— Барча санъатларға қўйилган талабларни театрға ҳам қўйиб бўлмайди. Чунки театр кино, телевидение ёки газета, журналлар каби ҳозиржавоб бўлмайди. Унга муайян санага бағишлаб спектакль саҳналаштириш вазифасини юклаш тўғри эмас. Театрнинг туб мазмуни, асосий вазифаси — "инсоншунослик" — психологик мураккаб жараён. Шу нуқтага назардан саволингиздаги "замонамизнинг муҳим масалалари" ёки "замонавий қаҳрамон" тушунчаларини театрининг табиғатидан келиб чиқиб тушуниш керак. Замонамизнинг муҳим масалалари театрда акс этиши учун ёки замонавий қаҳрамонни саҳнага олиб чиқиш учун, аввало, драматург бу ҳодисанинг театр руҳига мос

пьеса ёзмаган бирор драматург қолмади, драматургияға ҳеч қачон қўл урмаган ёзувчиларимиз ҳам ёзишди. Ушбу асарларни репродукцияда саҳналаштирмаган бирор театр қолмади. Истаган актёр эгнига зар тўн, бошига тож қийса, Амир Темур бўлаверди. Худди шундай Аҳмад Фарғонийға бағишланган фестиваль, "Сени қуйлаймиз, замондош" фестивали. Кейин Чингиз Айтматов, ундан кейин Абдулла Қодирий... Театрларимиз ҳаммасининг ҳам улдиридан чиқди. Бироқ мажбуриятдан исқанжасида бадийи юксак спектакль яратиб бўлмастлиги аён бўлди.

— Яқинда таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммадининг Абдулла Қодирийға бағишланган "Ёлғиз" кинесасини муваффақиятли саҳнага қўйдингиз. Адабий жараёни мунтазам қузатасиз, ёзувчи, адабиётшунослар билан ҳамкорлик қиласиз. Афсуски, ету жиҳат бошқа театрларимизга этишмайди. Замонавий драматургияға жиддий эҳтиёж сезилаётган палла адибларни театрға жалб қилиш, насрий асарларни саҳналаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги мулоҳазаларингизни билмокчи эдим.

— Ҳамма даврларда, ҳатто Шекспир замонида ҳам адабиётнинг драматургия жанридан қўра, насрда ёзилган асарлари кўпроқ ва қучлироқ бўлган. Бу драматургларнинг ношудлигидан эмас, драматургия ўта мураккаб жанр эканидан далолат. Драматургиянинг қонунлари жуда ҳам жиддий ва чегараланган. Шунинг учун ҳамма ёзувчилар ҳам драматургия билан шуғулланишмайди, айниқса, яхши ёзувчилар. Шундай ҳазилнамо гап бор: "Драматургларнинг яхшиси ва ёмони бўлади. Ёмони ёмон пьеса ёзади, яхшиси умуман ёзмайди". Умуман ёзмаганидан кейин нима қиласиз, яхши ёзилган насрий асарға мурожаат қиласиз-да! Насрий асарларни саҳнаға мослаштириш — бу театр ривожининг муҳим жиҳати, ижодий жараёнининг энг ноёб, юксак паллалари. Изланишларнинг марокли кезлари, ижодкорларға берилган имкониятларнинг кенглиги. Бутун бир китобни саҳнаға жойлаштириш, бир спектакль вақтига роман ёки кинесани синдириш — ниҳоятда қизикарли ва мураккаб вазифа. Ўзини "театрмаг" деган иж-

ни акс эттирувчи асарлар ёзилиб, саҳналаштирилса, уларни театрға қайтариш мумкин, деб жавоб берсам, балки сизни рози қилган бўлардим. Таассуфки, қайтариш мумкин эмас. Асл кадрятларидан йироқлашаётган инсонларни қайтариб бўладими? Боз устига, театрға. Йўқ, бундай бўлмайди. Театрға қайтариб бўлмастлигининг сабаби, улар ҳеч қачон ўша театрда бўлишмаган, болаликдан ошно тутинишмаган, уни танимайдилар, билмайдилар ҳам. Аслида уларни анча олдин театр билан яхшилаб таништириш, театрға эҳтиёжманд қилиб тарбиялаш лозим эди.

Адамасам, бизнинг мактабларимизда ҳам адабиёт дарслари асосан маъруза тарзида ўтилади. Англия, Япония, Франция, АҚШ сингари ривожланган мамлакатларнинг ўқув юрларида эса амалий машғулотларға ургу берилди. У ердаги адабиёт дарслари театрининг ўзгинаси. Болалар ҳар бир ўрганаётган асарларини ижро қиладилар, аввал бадийи ўқишлар, кейинчалик ҳаракатли ижролар, сўнг роллар ижро қилиш ва тузуқкина спектакль саҳналаштириш билан якунланади. АҚШдаги ҳамма қатта университетлар ўзининг театр биносига эга ва бу театрларда доимий спектакллар намойиш қилинади. Мен ушбу мамлакат театр санъати билан танишини асосида Вермонт штатида бир ойға яқин бўлиб, уларнинг театрға муносабатига тасаннолар айтдим. Ҳар бир мактабда, албатта, қўғирчоқ театрнинг мавжуд. Қўғирчоқларни болаларнинг ўзлари ясапди, сюжетларни ҳам ўзлари топишди, ёзишди, саҳналаштиришди. Океан ортини қўя туринг, ўқувчилик пайтларимиз кишлоқ мактабларида ҳам театр тўғарақлари бўларди, битирувчи синфлар тузуқкина спектакль саҳналаштирарди. Қизини шундаки, спектаклда роль ижро қилганларнинг ярми ўқувчилар, ярми ўқитувчилар бўларди.

Кези келганда "инсонларни театрға қайтариш" масаласида бир фикрнинг айтилиши хоҳлардим. Театр — оммавий санъат эмас, хос санъат. Унга ҳамма томошабин бўлиши мумкин, лекин у барчага бирдай ёқмайди, таъсир ўтказса олмайдди. Унинг ўз томошабини бор. У фақат томоша қилмайди, саҳнадаги ижодкорлар билан бирга спектаклда қатнашади, актёрларға мадад беради, уларни ўз хайрихоҳлиги, муносабати билан рағбатлантиради. Мен ҳар бир спектаклда театрининг ҳақиқий томошабинларини кузатишни ёқтираман. Улар оз эмас. Томошабинларнинг аксарияти спектаклнинг маълум қўриқларига ёки бир актёр ижросига муносабат билдириб, қарсақ чалади. Мен спектаклнинг мулкка қўйилмаган жойларида жўшқин муносабат билдириб томошабинини излайман, керак бўлса, шунга қараб спектаклнинг баъзи қўриқларини ўзгартираман ҳам.

Театрларимизда ана шундай томошабинлар кўпаяверсин. Улар театрдан узоқ кетишмайди, уларни қайтаришнинг ҳам ҳождати йўқ.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ сўхбатлашди

МУНОСАБАТ

МИЛЛИЙ РАҚСИМИЗ ГУЛТОЖИ

Маълумки, 2019 йили қадимий "Лазги" рақсимиз ЮНЕСКОнинг номодий мероси репрезентатив рўйхатига киритилганди. Бу миллий рақсимизнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи сифатида қалбларимизға гурур бағишлади. Қуни кеча эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лазги" халқаро фестивалини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳаммамизни, жумладан, барча санъат аҳлини қувонтириб юборди. Қарорға қўра, 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Хива шаҳрида "Лазги" халқаро фестивали ўтказилади. Фестивални ўтказишдан асосий мақсад ўзбек миллий рақс санъати манбалари, хусусиятлари ва назарий-амалий жиҳатларини ўрганиш, ўзлаштириш, "Лазги" рақсини халқаро миқёсида тарғиб қилиш, шу санъатни ўрганишни истаган иқтидорли ёшларни излаб топиш ва тарбиялаш, ўзбек миллий рақс санъатининг турли йўналишларида тажриба алмашиш ва қўша ижодий лойиҳаларни амалга оширишдир.

Бугун, биринчи навбатда, ўзимизда ва халқаро миқёсида "Лазги" рақсининг тарғиботини йўлга қўйишимиз керак. Чунки халқаро фестивал, аввало, "Лазги" ўзбек миллий рақсини ўрганиш, ўзлаштириш ва оммалаштиришни назарда тутди. Шу жиҳатдан фестивалга тайёргарлик қўриш доирасида икки муҳим йўналишда иш олиб бериш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, ўзбек миллий рақс санъати хусусиятларини ёритиш, иккинчидан, "Лазги" рақсининг асл мағзини тарғиб этиш. Агар "Лазги" рақсининг маъно-мазмуну ва бадийи-эстетик жиҳоси ўрганилса, ўзбек миллий рақс санъатининг назарий-фалсафий хусусиятларини тушунишга қалит топилади. Шу маънода "Лазги" рақсини ўрганишға доир қуйидаги муаммолар ечимини кутиб турибди.

Аввало, "лазги" атамасининг маъно-мазмуну тўғрисида яқдил фикрға келиш. Ҳоразм "Лазги" рақси хусусиятларини алоҳида тадқиқ этиш, "Лазги" рақсининг Кавказ халқлари (Россия Федерацияси) "Лезгин" рақси билан алоқаси, индивидуаллиги ва уйғунлиги тўғрисида аниқ тўхтамаға келиш лозим.

Шунингдек, "Лазги" рақсининг ўнлаб вариантлари ижроси компакт дискини тайёрлаш, XX асрда машҳур раққослар томонидан ижро этилган бу рақсининг вариантларини миллий фондини яратиш, таниқли мусиқашунослардан "Лазги" тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олиш ва нашр этиш, хорижлик мутахассисларнинг бу рақс борасидаги фикрларини жамлаш ҳамда мусиқа таълими муассасаларида "Лазги"ни ўргатиш учун махсус курс дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётға жорий этиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Зеро, ушбу масалаларни илмий, амалий ва ижрочилик нуқтан назаридан ҳал этиш фестивалға тайёргарлик жараёнида муҳим босқич ҳисобланади.

Халқаро "Лазги" рақси фестивалини ўтказишда ўзбек миллий рақсини жаҳон миқёсида ўрганиш ва ўзлаштириш, ўзбек ва халқаро рақс санъатларини ўрганиш ҳамда ижроларни тарғиб қилиш каби масалаларға ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу сабабли фестиваль доирасида "Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатигаги ўрни" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш назарда тутилган. Конференцияда "Лазги" рақси ижрочилигини халқаро миқёсга олиб чиқиш, ўзбек миллий рақс санъатининг юксак намуналари ижрочилигини тарғиб қилиш; "Лазги" ва ўзбек миллий рақс намуналари ("Тановар", "Доира рақси" қабиларини) тақдимотини ўтказиш; мусиқа таълимининг рақс йўналишлари машғулотларида "Устоз сабақлари"ни ташкил этиш, истеъдодли ёш раққосларни кашф этиш, ўзбек миллий санъати муаммолари бўйича илмий-амалий қўлланмалар яратиш каби мавзуларни муҳокама қилиш ва шу асосда амалий-ижрочилик тавсияларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Халқаро фестиваль муносабати билан амалга ошириладиган ишлар қўламлилиги билан диққатга сазовордир. Демак, тайёргарликни бугундан бошлашимиз керак.

Зояр ЗОИРОВ, Ўзбекистон давлат филармонияси бош директори

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари маданият ва санъат ҳодимлари, соҳа бўйича таълим берадиган олий ўқув юрлари зиммасига қатта масъулият юклайди. Шу маънода Ўзбекистон давлат хореография академиясида бўлиб ўтган "Марказий Осиё халқларининг маданий ҳамкорлик истикболлари" мавзусидаги I Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман муҳим аҳамият касб этди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари билан бир қаторда Россия, Беларусь, Туркия халқлари маданияти ва санъати тарихи ҳамда истикболига оид долзарб мавзулар қўриқларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Анжуманни Академия директори Ш.Тўхтасинов очди. Шундан сўнг профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган артист Ҳ.Мухамедова Ўзбекистонда миллий рақс санъатининг ривожини, Беларусь давлат маданияти ва санъат университетини профессори С.В.Гутковская бугунги хореография санъатининг муаммо ва истикболлари, Москва давлат хореография академиясини проректори, профессор С.М.Оленев хореограф таълимға масофавий таълим технологияларини жорий этиш масалалари, Ардахан университети профессори Б.Матёкубов Форобийнинг мусиқий мероси, Қозғистон миллий хореография академиясини профессори Т.О.Изим олий ўқув юрларида илмий-усулбий лабораторияларнинг роли каби мавзуларда маъруза қилди. Шунингдек, Москва давлат хореография академиясини доцент, санъатшунослик фанлари номзоди А.А.Мельник, Ўзбекистон хореография академиясини катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Ҳ.Ҳамроева каби соҳа мутахассисларининг турли мавзуларға чиқишлари ҳам анжуман катнашчиларида қатта таассурот қолдириди.

Шукрона КАМОЛИДДИНОВА



“ИЛҲОМ” жамоат фонди

Юртимиздаги барча ўқитувчилар,
устоз ва мураббийларни
1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
билан самимий қутлайди!

*Агар ҳаёт узук эса, кўзи муаллим,
Агар ҳаёт шоир эса, сўзи муаллим.*



**Хонадонингиздан файз,
қут-барака аримасин!
Байрам барчангизга
қутлуғ бўлсин!**



ЯНГИ НАШРЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТАШАББУСИ ҚАМДА
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ ҚОМИЙЛИГИДА “АКАДЕМНАШР” ВА
“МАШНУР-РЕСС” НАШРИЁТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ
КИТОБЛАР ЎҚУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА ҚАВОЛА ЭТИЛАДИ.**



АДАБИЁТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи уюшманинг XX асрнинг ўттинчи йилларидан шу вақтгача босиб ўтган йўлини, ўзбек адабиёти эришган ютуқлар ва унинг ривожланишига, бунёдкор ва меҳнаткаш халқ билан алоқасини мустаҳкамлашга, устоз шоир ва адибларга хос энг яхши анъаналарнинг давом эттирилиши ва равақ топишига ёрдам берувчи, ёшларда китобга, адабиётга, маърифатга муҳаббат уйғувчи маданий-маърифий марказ вазифасини бажаради.

Музейда уюшманинг дастлабки йиллари тўғрисидаги ҳужжат ва маълумотлар, ўзбек адабиётини ривожлантириш, унинг фаолиятини янада кучайтириш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари акс этган ҳужжатлар учун алоҳида жой ажратилган.

Ўзбек адиблари турли миллат вакиллари билан ўзаро адабий, маънавий алоқаларга ҳамиша алоҳида эътибор берганлар. Бу мавзудаги фотосуратларни “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” бурчагида кўриш мумкин.

Музейда ўзбек рассомларининг таниқли адибларимиз асарлари асосида ишланган суратлари ҳам мавжуд бўлиб, улар томошабинларда катта кизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Мунира РАМАЗОНОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди ва “Жаҳон адабиёти” журнали жамоалари уюшма аъзолари Даврон Ражаба отаси

ЖАББИРҒАН отанинг,

Амир Худойбердига падари бузруквори

ЭҒАМБЕРДИ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУРОВ

Тахриратга келган кўлемлар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Мақсуд котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 5016. Буюртма Г - 1055.
Ҳақми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топириш вақти - 21.00.

Босишга топирилди - 03.15.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

